



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 11 август, № 168 (7948)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 август куни Тошкент вилоятида sanoatni rivojlanitirish masalalari b'ycha yig'ilish utkazdi.

Шу йил 3 август куни бўлиб ўтган биринчи ярим йилликдаги иқтисодий натижалар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Тошкент вилоятида sanoatni rivojlanitirish b'ycha yig'ilish utkazdi.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда қарийб 7 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, ўсиш 4,6 фоизни ташкил этган. Лекин бу мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан паст. Шу боис йил якунига жами 18 триллион сўмлик товарлар ишлаб чиқариб, йиллик 8,5 фоиз ўсишга эришиш мўлжалланган.

Бунинг учун янги лойиҳаларни амалга ошириш, кам қувватда ишлаётган ёки тўхтаб қолган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш орқали ҳудудий sanoatni rivojlanitirish asosiy maqsad qilib k'uyilgan.

Шунингдек, транспорт-логистика, хизматлар, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳалари устувор йўналиш этиб белгиланган.

Йиғилишда ушбу соҳаларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар тақдимот қилинди. Масалан, Зангиота туманида 1 минг 494 та sanoatni rivojlanitirish bor. Joriy yilning 6 oyida ular tomonidan qariyb 600 milliard s'umlik mahsulotlar ishlab chiqarilgan.

Бу йил 15 та лойиҳа амалга оширилиб, яна 51 миллиард сўмлик қувват ташкил этилади.

Зангиота sanoatni rivojlanitirish markazi loyihasini alohida aytib o'tish mumkin. 116 gektar maydonda barpo etiladigan ushbu sanoat hududida 165 ta

loyiҳani jойlashitirish m'uljalangan. Ularning samarasida 12 mingta ish urni yaratish, 48 million dollarlik eksport qilish va 9 million dollarlik import urnini t'ldiritish hisob-kitob qilingan.

Ангрен шаҳрида корхоналар сони нисбатан кам — 577 та бўлса-да, уларнинг салоҳияти юқори. Шаҳарнинг Тошкент вилояти sanoatni rivojlanitirish b'ycha yig'ilish utkazdi.

Бундан ташқари, умумий қиймати 560 миллион долларлик 124 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 39 мингта иш ўрни, 3 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тошкент туманида умумий қиймати 335 миллиард сўмлик 32 та, Чирчиқ шаҳрида умумий қиймати 422 миллиард сўмлик 20 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Йиғилишда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги имкониятлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида имкониятлардан тўғри фойдаланиш маётганини қайд этиб, sanoatni rivojlanitirish b'ycha yig'ilish utkazdi.

Йил якуни билан ҳудудий sanoatni rivojlanitirish b'ycha yig'ilish utkazdi.

Мавжуд заводлар фаолиятини кенгайтириш, sanoatni rivojlanitirish b'ycha yig'ilish utkazdi.

Ў.А.



## ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан яратилди

Инсон борки, ҳар доим эътиборга, ғамхўрликка эҳтиёж сезади. Самимий муносабатни, яхшилик ва меҳр-оқибатни соғинади. Ислоҳот ва ўзгаришлар ижобатини, энг аввало, ўз ҳаётида кўришни истайди. Ҳозирги ва ўтган замонни таққослайди ҳамда кенг муҳокама қилади. Зеро, инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи ҳам шундадир. Ахборот технологиялари ривожини ва ижтимоий тармоқлар тараққиётини инсоннинг онгини забот этди. Шунга қарамай, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти назарида ёпиқ мамлакат эди. Ахборот ва сўз эркинлиги йўқ давлат сифатида қараларди. 2016 йилдан эътиборан ахборот тўсиқсиз тарқатила бошланди.

Сир эмаски, Ўзбекистонда чорак аср давомида "халқимиз учун уй-жойлар қурилди", "халқимиз учун иш ўринлари яратилди", "халқимизга имтиёзли кредитлар берилди",

"халқимиз турмуш даражаси яхшиланди"... каби мавҳум тушунчалар ҳукмронлик қилди. "Халқ учун уй-жой" қурилгани айтилса-да, уй олишга эҳтиёжманд

оилалар сони кундан-кунга кўпайиб борди. "Халқ учун берилган имтиёзли кредитлар"ни олиш учун одамлар банклар эшигига йиллаб сарсон бўларди. "Турмуш даражаси яхшилланган халқ" оилаб электр энергиясиз ёки табиий газсиз яшаши мумкин эмас. Аччиқ бўлса ҳам айтишимиз, тан олишимиз кераки, давлат билан фуқаро ўртасида жарлик пайдо бўлган. Бирор-бир соҳада тизим яратилмаган. Муаммолар кўпайса-да, уни бартараф этиш механизмлари йўқ эди.

Дахшатлиси инсондаги ишонч туйғуси йўқотилди. Инсон "эртага яхши бўлади" сафсатасида тўйган. Инсон учун эрта ҳеч қачон кел-

масди. Қисқача айтганда, эртанинг эртаси кўп эди.

Бу дунёда ишонсиз яшашдан оғир бўлмас керак. Чунки ишонч тушунчаси инсонни ҳаётга боғлаб туради. Ишонч инсонда яшашга муваффақ бўлган. Хўш, ишонч нималарда намоён бўлади? Аввало, давлатнинг инсон учун қафолатган ҳуқуқларида, таъминотларида аққол намоён бўлади...

Яқин тарихимизда... Болалар туғилади, лекин болалар боғчаси йўқ. Бори ҳам талабга жавоб бермайди. Фарзанд улғаяди, олий ўқув юртида ўқишга ўрин йўқ. Қабул жараёнида адолатсизлик ҳукмрон. Олий таълим муассасаларида иш ўринлари қисқартирилган. Профес-

сор-ўқитувчи кўчада. Маошлар ўта паст. Вақтида берилмайди. Мажбурий меҳнат ҳаммининг силласини қуритган. Муаллим кўча супуради. Врач ариқ тозалайди. Ўқувчи, талаба пахта теради. Беморлар учун даволанишга шифохона ёки мутахассис етишмайди. Чет элга боришга маблағ йўқ. Иш йўқ, уй йўқ, тижорат қиламан, деса йўл йўқ. Ҳа, ана шулар инсоннинг давлатга бўлган ишончини ўлдирди.

Одамлар эртага ёки келажакда эмас, бугун яхши яшашни истайди... Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак...



### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

#### ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТУБДАН ЯНГИЛАНГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизimini жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Миллий гвардиянинг Меҳрибонлик уйлари, Болалар шахарчалари, оилавий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари (кейинги ўринларда — ўқув-тарбия муассасалари) Миллий гвардияга би-

риктириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Миллий гвардия "SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмасининг болалар маҳаллалари билан ҳамкорлик ўрнатсин.

2. Миллий гвардияга қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин: ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтартириш, вазий ёки ҳолий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш чораларини кўриш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш;

ўқув-тарбия муассасаларида сифат-

ли таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишга, уларнинг маиший шарт-шароитлари яхшиланишига, шунингдек, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва дунёқароши кенг ёшларни шакллантириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни спорт турларида қизиқтириш ва жалб этиш.

(Давоми 2-бетда).



### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

#### ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада тақомиллаштириш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 15 августдан бошлаб етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин: ўзларига бириктирилган тураржойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг учинчи қаватига ажратилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун квартиралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кўчмас мулкнинг бирламчи бозоридидаги шаҳар ва туманларда қурилган кўп квартирали уй-жойлардан харид қилинади;

тегишли туман (шаҳар)да кўчмас мулк бирламчи бозорида мазкур бандда назарда тутилган мезонларга мос келадиган квартиралар мавжуд бўлмаганда, ҳудудий "Халқпарвар" комиссиялари ҳулосасига асосан квартиралар кўчмас мулкнинг иккамчи бозоридан тегишли мезонларга мувофиқ ҳолда харид қилинади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлаш "онлайн-навбат" тизими асосида амалга оширилади, бунда мазкур навбатга ўзгартириш киритилишига ҳамда навбатидан олдин кейинги навбатдаги болаларга уй-жой ажратилишига йўл қўйилмайди;

Халқ таълими вазирлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой билан таъминланиши ҳолати ҳақидаги ҳар ойда янгиладиган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириб боради.

(Давоми 2-бетда).



### ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Башарият тафаккури ва дунёқароши ривожланиб борар экан, у билан ҳамоҳанг тарзда ижтимоий воқелик ҳам ўзгариб боради. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий таъбири билан айтганда, инсон тафаккурининг камол топиб бориши мавжуд жамиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Янгиладиган тафаккур эса янгича ислохотларга замин яратаяди. Жамият эса ислохотлар билангина тирикдир. Ислохотлар айни пайтда ижтимоий воқеликнинг таркибий сифатида давр билан ҳамнафас тақомиллашиб, ўзгариб, янгилашиб бораверади.

Бунга янги Ўзбекистонини барпо этиш йўлидаги ислохотлар билан ҳам қиёсласак бўлади. Мисол учун сўнги йилларда олиб борилган кенг қўламли исчи демократик ислохотлар натижаси уларок, мамлакатимизда аҳолининг



Фикримизни янада ёрқинроқ ифодаладиган бўлсақ, юртимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида соҳибқадамлик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар мамлакат тараққиётга хизмат қилипти. Демократия сари интилган ҳар бир давлатда фуқароларнинг сиёсий онги ва маданияти юксалиб, давлат бошқарувидаги иштироки, ўз манфаатларини ифодалашга бўлган интилиши янада қучиқроқ намоён бўлади. Бу, албатта, эркин сайловларда ўз ифодасини топади.



### ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Кеча Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоконференцадоқа тарзида ташкил этилган тадбирда кенгаш аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари қатнашди.

#### Таҳлил

Мазкур кенгаш раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг биринчи ярим йилликдаги ижроси, Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини акс эттириш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси атрофида таҳлил қилинди.

Кайд этилганидек, сўнги уч ой давомида бир қатор халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрни яхшиланди. Хусусан, "S&P" Global Ratings томонидан юритиладиган суверен кре-

дит рейтингда мамлакатимиз "салбий"дан "барқарор"га чиқиб олди. Парламентларо Иттифок томонидан юритиладиган "Сиёсатдаги аёллар" қисмида Ўзбекистон 130-ўриндан 45-ўринга кўтарилди. Жаҳон хайрия индексида 114 та давлат орасида юртимиз 53-ўриндан 29-ўринга, яъни деярли икки бараварга юқориллади.

Бирок қўллаб ташаббус ва ғоялар қоғозда қолиб кетаётгани, юртимизда олиб борилаётган исчи ислохотлар кўрсаткичлари етказиб берилаётгани ҳисобига рейтинг ташкилот хисоботини тайёрлашда эски маълумотлардан фойдаланаётгани ва бу Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига салбий таъсир кўрсатётгани таъкидланди.







# ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Йилгилида биринчи ярим йилликда 2021 йилга мўлжалланган иш режасининг ижтимоий-иқтисодий соҳага доир 272 та бандидан 76 таси бажарилгани, 188 таси устидан иш олиб борилаётгани ва 8 таси бажарилмагани ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳага тегишли 86 та банддан 32 таси ижро қилинган, 50 таси амалга оширилаётгани ва 4 таси умуман бажарилмагани айтилди.

лаштириш ишлари олиб борилмагани танқид қилинди. Йилгилида Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини акс эттириш бўйича чора-тадбирлар режасининг ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу режанинг 19-бандида 2020 йилнинг 1 августига қадар кластер сиёсатини ривожлантириш бўйича ягона концепция ҳамда "Кластерлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланган, аммо бу ҳужжатлар бир йилдан буён қабул қилинмаган.

Тадбирда Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги "Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокамада Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашда зарур статистик маълумотларни "НУИҚ" ustvorligi автоматлаштирилган ахборот тизимига (huuq.indikator.uz) киритиш

ритишда мутасадди ташкилотлар томонидан суствашликка йўл қўйлаётгани танқид қилинди. Шу жумладан, Энергетика вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Мажбурий ижро бюроси, Савдо-саноат палатаси, Электр энергетикада назорат инспекцияси, Жамоатчилик палатаси, қолаверса, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан умуман маълумот киритилмаган. Бу эса Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини тузишда қийинчиликлар турдирмоқда.

Шунингдек, тадбирда маъсул вазирлик ва идоралар ахбороти эшитилди ва уларга йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан бир ой муддатда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига ахборот киритиш вазифаси юкланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ** («Халқ сўзи»).

# ОЛИМПИАДА ЗАФАРЛАРИ

9 август куни музаффар спортчиларимиз Токиодан Тошкентга қайтиб келишди.

...Олимпиада ўйинлари менга асло бегона эмас. Журналист сифатида 1996 йили АКШнинг Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида 19 июлдан 4 августга қадар бўлиб ўтган XXVI Олимпиада ўйинларини ёритиб борганман. Ушанда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Олимпия ўйинларида илк маротаба иштирок этганди...

## Акс садо

Келинг, энди Токиодаги Олимпия ўйинларига қайтамиз.

Бу, шубҳасиз, махсус антиковид шароитида ўтган махсус ўйинлар бўлди. Миллионлаб жонларни олиб кетган, бизнинг кундалик ҳаётимизни таниб бўлмаган даражада ўзгартириб юборган шифтасиз вирус, афсуски, Олимпия ўйинларига ҳам ўз таъсири ўтказмасдан қолмади. Шу боис бу ўйинларга "илк бор" иборасини кўп маротаба қўллаш мумкин:

Илк бор гарчи ўтказилган йили бошқа бўлса-да, Олимпиада ўйинлари номи "Токио — 2020" деб номланди.

Илк бор трибуналарга томошабинлар қўйилмади. Илк бор голиблик шохсупасида турган спортчиларнинг чехраси тиббиёт ниқоблари билан ёпилганди, биз эса уларнинг кўнглидан кечаётган ҳиссиётларини фақат қувонч ёшлари билан тўлган кўзларидан англай олдик.

Бу "илк бор" иборасини кўп, жуда ҳам кўп учратиш

мумкин. Ва уларнинг барчаси "ковид" аталмиш салбий буюк билан бўлган... Аммо бу бизнинг терма жамоа учун эмас.

Кечадан бери биз медаллар шодаси бўйича МДХ мамлакатлари орасида иккинчи, туркий тили давлатлар ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни олганимиз ва яна шу каби ютуқлар ҳақида кўп ёзилди.

Мен бошқа жиҳатга эътибор қаратишни истардим. Илк бор биз битта Олимпиадада бешта спорт туридан медал олишга эришдик.

Илк бор биз спортнинг таэквондо туридан медал, бўлганда ҳам олтин медалини кўлга киритдик.

Илк бор бизнинг оғир атлетикачимиз иккита Олимпиада рекордини ўрнатиб голиб чиқди. Ва энг муҳими, бирдангина иккита "олтин медалчи"миз мустақил Ўзбекистон тарихида Олимпиада чем-



пиони бўлганлар орасида энг ёши бўлди: 21 яшар Акбар Жўраев иккинчи энг ёш Олимпия чемпиони бўлди. Бу борадаги рекордни эса доворак таэквондочимиз Улуғбек Рашитов ўрнатди. У 19 ёшидаёқ Олимпия ўйинларида голиб чиқиб, бизнинг Олимпия тарихимизни янгилади.

Янги Ўзбекистон — янги галабалар — ёш чемпионлар — янги рекордлар!

**Шерзодхон ҚУДРАТХУЖА**, Халқаро кураш ассоциацияси вице-президенти.

## ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳридаги Вебстер университетининг Таълим дастурларини амалга ошириш маркази:

# ЯНГИ ЎҚУВ БИНОСИ, ЗАМОНАВИЙ ТУРАРЖОЙ ВА СПОРТ МАЖМУАСИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим тараққиёти йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хорижий олий ўқув юртли фаолиятини ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада барча салоҳият ишга солиниб, кенг имкониятлар эшиги очилляпти.

## Таълим



Реклама ўрнида

Тошкент шаҳридаги Вебстер университетининг Таълим дастурларини амалга ошириш маркази ана шундай туб ислохотларнинг амалдаги яққол тасдиғидир.

Бундан икки йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан АКШнинг номдор университети филиали республикамизда ўз фаолиятини бошлаган эди. Бу эса юртимиз ёшларига ўз Ватанида туриб, дунёнинг энг юқори рейтингда турувчи олий ўқув муассасаларида таълим олиш имкониятини тақдим этди.

Маъзур олий таълим даргоҳида 2021/2022 ўқув йилида янги ўқув биноси, талабалар учун замонавий тураржой мажмуаси, шунингдек, ошхона ҳамда спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди арасида. Бунга талаба-ёшларга мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик тўйига муносиват тўғрисида, десак, муболага бўлмайд.

Ушбу замонавий бинонинг ишга туширилиши Тошкент шаҳридаги Вебстер университетининг Таълим дастурларини амалга ошириш марказининг талабалари ва ходимлари ҳаётига ўзгача қувонч олиб киради, десак, муболага бўлмайд. Эеро, етарлича яшаш ва таълим олиш шарт-шароитларига эга бўлган талаба-ёшларда эртанги кунга бўлган ишонч янада юқори, янги илим марраларини эгаллашга бўлган қизиқиш ҳамда интилиш юксак бўлиши табиий.

Биринчи ва иккинчи бинода талабалар учун гибрид усулда таълим олишга мўлжалланган 45 та ўқув хонаси мавжуд. Маъмурдан иккита лингафон хонаси, иккита компьютер лабораторияси, электрон кутубхона (E-Library), китоб мўлола қилиш хоналари, маъруза учун мўлжалланган махсус заллар, фаоллар зали ҳам ўрин олган.

Шу билан бирга, ўндан ортиқ медиалаборатория ва ўқувчилар хоналари, 185 та компьютер жамламаси ҳам мавжуд. Марказда талабалар учун мўлжалланган замонавий тураржой комплекси, спорт мажмуаси, ошхона, кафетерийлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети Таълим дастурларини амалга ошириш марказидаги синхронизация талабаларнинг сифатли таълим олишлари учун замонавий инвентарлар билан жиҳозланганлиги ҳамда ўқув машғулотларининг малакали профессор-ўқувчилар томонидан олиб борилиши хозирги кунда дунё олий таълим муассасалари рейтингда етакчи ўринларда туриш имконини бермоқда.

Марказдаги замонавий тураржой мажмуасида жами қирқта хона бўлиб, улар икки, уч ва тўрт киши учун мўлжалланган ҳамда икки ярусли каравотлар билан жиҳозланган. Хоналарнинг ҳар бири алоҳида санузелга эга ҳамда кондиционерлар билан жиҳозланган.

Талабалар учун тураржой мажмуасида эса хар бир қаватда ошхона, кир ювиш хонаси, китоб мўлолааси учун хоналар мавжуд. Шу билан бирга, юқори сифатли бепул интернет,

малакали хавфсизлик хизмати 24/7 тизимида фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, хорижий профессор-ўқувчилар учун мўлжалланган 12 та меҳмонхона типидagi тураржой барпо этилган.

Талабаларни тураржой мажмуасига қабул қилиш жараёни шу йўналишга ихтисослаштирилган бўлим томонидан олиб борилади. Бу бўлим марказда талабалар учун тураржой масалаларида комплекс равишда хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Талабаларни марказнинг тураржой мажмуасига жойлаштиришда, яъни уларга хоналар ажратишда, асосан хорижий талабаларга, чин етим (ёки етим), иқтимоий химояга мутож қатлам аҳолиларига алоҳида эътибор қаратилади.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари нафақат Ўзбекистонлик балки хорижий талабалар учун ҳам катта имкониятлар яратилаётганининг амалдаги яққол далилидир. Тошкент шаҳридаги Вебстер университети Таълим дастурларини амалга ошириш марказида талабалар 5 та бакалаврият ва 3 та магистратура таълим йўналишлари бўйича билим олиш имкониятига эга:

- Бакалаврият таълим йўналишлари:**
1. Бизнес бошқарув (BA);
  2. Иқтисодийёт (Economics);
  3. Халқаро алоқалар (IR);
  4. Ахборот тизимларини бошқариш (MIS);
  5. Медиашунослик (Media studies).

- Магистратура мутахассислиги бўйича:**
1. Инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш (MA TESL);
  2. Бизнес бошқарув (MBA);
  3. Таълим ва инновация (MA EDIN).

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети Таълим дастурларини амалга ошириш марказида талабалар учун Wi-Fi худуд, электрон кутубхона ҳамда бошқа кўплаб қулайликлар яратилган. Талабаларга дунёнинг етакчи давлатларидан жалб қилинган профессор-ўқувчилар таълим беради. Ўз навбатида, бу имкониятлар эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиши билан эътиборга молиқ, десак, тўғри бўлади.

**Расул РАҲМОНОВ**, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети Таълим дастурларини амалга ошириш маркази ижрочи директори.

Хизматлар лицензияланган.

### АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ПОЛОЦК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

### ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

# ТМИ-ПДУ ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТИ

2021/2022 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишларига тўлов-шартнома асосида қабул эълон қилади:

Шифр	Таълим йўналишлари номи	Жами
<b>БАКАЛАВРИАТ, КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ</b>		
5230900/1-25 01 08	"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит"	220
5230600/1-25 01 04	"Молия ва молиявий технологиялар"	90
5230700/1-25 01 04	"Банк иши ва аудит"	40
5232800/1-28 01 02	"Электрон тижорат"	20
5231800/1-25 01 08	"Бизнес-таҳлил"	30

Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом" талабларига мувофиқ қуйидаги икки босқичда ўтказилади:

**биринчи босқичда** — институт томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ кириш имтиҳонлари;

**иккинчи босқичда** — институтнинг буюртмасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан келишилган муддатларда қўшма таълим дастури бўйича ўқиш олиб бориладиган чет тилидан тест синови ўтказилади.

**АБИТУРИЕНТЛАР ОНЛАЙН ТИЗИМИДА** <http://www.tfi-pgu-sf> САЙТИ ОРҚАЛИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШЛАРИ МУМКИН.

**CALL-ХИЗМАТ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:** 71-234-01-36; 71-234-06-75; 71-235-50-66; 71-234-01-91; 71-235-12-91; 71-235-13-21

**«3+1» қўшма таълим дастурини муваффақиятли якунлаган битирувчига томонларнинг қўшалок дипломлари берилади.**

### АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ БАЙНЕРИ УНИВЕРСИТЕТИ

### ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

# «BINARY GRADUATE SCHOOL» ҚЎШМА ТАЪЛИМ ДАСТУРИ БЎЙИЧА

2021/2022 ўқув йили учун қуйидаги магистратура мутахассислигига тўлов-шартнома асосида қабул эълон қилади:

Шифр	Мутахассислик номи	Жами
<b>МАГИСТРАТУРА, КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ</b>		
70411302	Бизнесни бошқариш (Master of Business Administration - MBA)	20
70410101	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	10

Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом" талабларига мувофиқ қуйидаги икки босқичда ўтказилади:

**биринчи босқичда** — институт томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ кириш имтиҳонлари;

**иккинчи босқичда** — институтнинг буюртмасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан келишилган муддатларда қўшма таълим дастури бўйича ўқиш олиб бориладиган чет тилидан тест синови ўтказилади.

**Абитуриентлар ОНЛАЙН тизимида** <https://forms.gle/CXfGSDUWu4ZtWZ4W9> сайти орқали ҳужжатларини топширишлари мумкин.

**CALL-ХИЗМАТ телефон рақамлари:** 71-234-46-87; 71-234-06-75; 71-235-50-66; 71-234-01-91; 71-235-12-91; 71-235-13-21

**«1+1» қўшма таълим дастурини муваффақиятли якунлаган битирувчига қўшалок диплом берилади.**

## Халқ сўзи Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғазмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.  
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машираббев.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.00 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6